

Роббим, рози бўлгунингча Сенга ҳамд бўлсин



15:49 / 13.09.2023 3651

Кимки мақтовларнинг энг чиройлиси билан Аллоҳни мақтайман, деб қасам ичса,

كَسْفَنَ يَلَعَتِ يَنْتَأَمَكْتَ أَنْ كَيْلَعَاءَ نَثِي صُحُ أَل

«**Лаа уҳсий санаан ъалайка анта кама аснайта ъала нафсика**» деб айтиши билан қасамини бажарган бўлади.

Баъзилар:

يَضْرَتِ يَتَحُ دَمَحَلَا كَلَف

«**Фалакалҳамду ҳатто тарзо**» (Рози бўлгунингча Сенга ҳамд бўлсин), дейилган гапни зиёда қилишган.

Абу Наср Таммор Муҳаммад ибн Назр роҳимаҳуллоҳдан ривоят қилиб келтиришларича, Одам алайҳиссалом:

«Эй раббим, касби корим мени машғул қилиб қўйди. Менга бир нарса ўргатгинки ана шу ҳамма ҳамд ва тасбиҳларни ўз ичига олсин», дедилар. Шунда Аллоҳ таоло у зотга ваҳий қилиб: «Эй Одам қачон тонг оттирсанг уч марта ва кеч киргизсанг уч марта «Алҳамду лиллаҳи роббил ѓаламийна ҳамдан йувафий ниъамаҳу ва йукафиъу мазийдаҳу» деб айт, мана шу ҳамд ва тасбиҳларни ҳаммасини ўз ичига олгандир», деб айтди.